

Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги тарихий тош кўприкни реконструкция килиш ишлари якунланмокда. Бу хакда, «Народное слово» газетасига асосланиб, Daryo.uz хабар берди.

XX аср бошида Зарафшон дарёси киргокларини бирлаштириш максадида курилган кўприк санъат асарига айланиб кетди. Унинг ташки кўриниши беихтиёр диккатни тортади: кўприк тўккизта арка ва саккизта устунга таяниб туради. Унинг узунлиги 50 метр, кенглиги 5 метрдан иборат.

XX аср охирларида тош кўприк ёнидан янги темир-бетон кўприк курилди ва барча келди-кетдилар у оркали амалга оширила бошлади. Бирок якинда эски тош кўприк кайта куришдан чикарилди, энди у хам кайтадан ахолига хизмат кўрсатишни бошлайди, деб ёзади газета. Айни пайтда кўприк атрофидаги худуд ободонлаштирилмокда.